

Исломни ўрганиб чиққан роҳиб



16:05 / 13.12.2019 3067

Исломни яхшилаб ўрганиб чиққан роҳиб Исломни қабул қилганидан кейин шундай дейди: «Таббат», яъни Масад сурасида жуда ғаройиб мўъжизага гувоҳ бўлдим. Аллоҳ таоло бу сурада Абу Лаҳабнинг иймон келтирмаслигини билдирган эди. Бу сура нозил бўлганидан кейин яна 8 йил яшади. Агар Абу Лаҳаб хоҳлаганида ёлғондан бўлса ҳам иймон келтириб, бу сурани ёлғонга чиқариши мумкин эди. Лекин шунда ҳам Абу Лаҳаб иймонсиз ўлиб кетди. Агар Қуръони Каримни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўйлаб топганида эди, бундай катта хавфга (Абу Лаҳабга тухмат қилиш хавфига) яқинлашмаган бўларди.

Бу шуни англатадики, Аллоҳ таоло қадимни ҳам, келажакни ҳам камчиликсиз, мукамал тарзда билади. Мана шунинг учун ҳам мен Исломни қабул қилдим».

Абдуллоҳ Раҳимбоев таржимаси